

МИЛЛИЙ ҲАРАКАТЛИ СПОРТ ЎЙИНЛАРИНИНГ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ФИЗИОЛОГИК РИВОЖЛАНИШИДАГИ РОЛИ

**Закия Тешаевна
Сафарова**
БухДУ Биология
кафедраси ўқитувчиси

**Зохида Тешаевна
Сафарова**
Бухоро шаҳар №4 ИДУМ
Жисмоний тарбия фани
ўқитувчиси

**Олиябегим Солижон
қизи Фаромонова**
БухДУ ИХТЙ 2- босқич
талабаси

АННОТАЦИЯ

Мақоланинг кириш қисмида келажак авлод тарбиясида жисмоний тарбиянинг роли, ўтмиш аждодлар, қадриятлар, миллий меърос хақида фикрлар билдирилган. Мақолада жисмоний тарбия дарсларида кўлланиладиган, мактаб ўқувчиларининг турли ёшларида, хусусан ўрта мактаб ёшида фойдаланса бўладиган миллий ҳаракатли спорт ўйини ҳақида фикрлар келтирилган. Миллий ҳаракатли спорт ўйинларининг болалар организмининг физиологик жараёнларига, уларнинг ривожланишига таъсири, болаларда сенсор тизим, диққат, хотиранинг ривожланиши мисолларда ёритилган.

Калит сўзлар: қадриятлар, миллий меърос, тарбия, ор-номус, инсон-диёнати, ҳаракатли ўйинлар, жисмоний тарбия, спорт ўйинлари, физиология, ўқувчилар.

КИРИШ

Узоқ ўтмишнинг тарихий ривожланишининг мутлақ занжирини ифодаловчи инсон цивилизациясининг устунлари мавжуд бўлиб, унда ўтмиш, ҳозирги ва келажакнинг бир-бири билан уйғунлиги, ривожланиши ва давомийлиги сақланиб қолади, авлоддан-авлодга мерос сифатида ўтади ва қадриятлар даражасига етади.

Қадриятларда эса, бир бутун халқнинг, миллатнинг иймон-эътиқоди, ор-номуси, инсоф-диёнати мужассам этилади. Ваҳоланки, бутун халқнинг, миллатнинг қадриятлари, иймон-еътиқоди халқнинг қадр-қиммати ва бутунлигига мужассамдир. Шунинг учун ҳам тарихнинг маълум бир бўлагида, яъни даврида қадриятларни авайлаш, асраш, ривожлантириш ва кейинги авлодларга мерос сифатида қолдириш ушбу ишлар учун масъул шахслар, қолаверса зиёлилар, тадқиқотчи -олимлар зиммаларига улуг вазифаларни юклайди.

Ўзбекистон Республикасида, хусусан кўпгина чет мамлакатларда жисмоний тарбия ва спорт масалаларида жаҳон педагогикасининг айrim долзарб йўналишларида номлари ҳурмат билан тилга олинадиган йирик олим, профессор

Талъат Усмонхўжаев бир қатор шогирдлари билан бу борада анча самарали ишлар қилиб қўйди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликкага эришган кундан бошлаб жисмоний тарбия ва спортнинг миллий хусусиятларини ривожлантириш ҳамда такоммилаштиришга эътибор янада кучайди. Миллий анъаналаримиз, бой миллий меросимизни қадрлаган маърифат ва маданиятни ривожлантириш билан бир вақтда ёш авлоднинг жисмоний тарбиясига, спорт ишларини янада юксалтиришга жуда катта ишлар олиб бориляпти.

Адабиётлар таҳлили

Буни мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида қабул қилинган бир қатор Қонун, фармон ҳамда қарорлар ҳам яққол исботлаб турибди. Масалан, Президентимиз фармони билан —Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги Қонунининг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан қабул қилиниши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий- маърифий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Бу Қонун юртимизда жисмоний тарбия ва спорт тараққиётининг хуқуқий асосини яратди. Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамаси томонидан -Олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги Қарори, -Соғлом авлод учун орденининг таъсис этилиши, -Миллий олимпия қўмитасининг тузилиши ва фаолиятининг мазмуни тўғрисида, -Миллий халқ ўйинлари ва спорт турларининг тикланиши тўғрисида, -Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида, -Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида ва шу каби янада бир қатор ҳаётбахш қарорлари миллатимизнинг келажаги йўлида қилинган буюк ишларнинг мустахкам пойдеворидир.

Бу тарихий ва улкан ахамиятга эга бўлган Қарорлар хар биримизга қувват, илҳом яна ҳам аниқроғи жуда улуғ имкониятлар эшигини очади.

Ўзбек халқ миллий ҳаракатли ўйинларининг мақсади- ёш авлодни забардас полвонлар ва довюрак аждодларимиз каби тарбиялаш ҳамда ушбу халқ ҳаракатли ўйинларини ўзлаштириш туфайли уларни хар томонлама- жисмонан, маънан ва руҳан ривожлантириш баробарида Ўзбекистон тарихига, маданиятига, анъаналаримизга қизиқиш ва хурмат ҳиссини оширишдан иборатдир.

Муҳокама

Миллий ҳаракатли спорт ўйинлари аввалом ўқувчиларда миллий анъаналарни билишга, уларга нисбатан хурмат билан қарашга ундейди. Ҳаракатли ўйинлар мактаб ўқувчиларида физиологикривожланишга катта таъсир кўрсатади, уларнинг фаол ҳарактланишини таъминлаб, қон айланишини яхшилайди, нфафс ҳаракатларини фаоллаштиради, бир меъёрда нафас олишга ёрдам беради.

Натижалар

Ўзбек халқи ҳаракатли спорт ўйинларидан бири **Сигналга мувофиқ ҳаракатлар** деб номланади.

Ўйинга тайёрланиш. Ҳамма ўйновчи ўқувчилар ораларидан бир метрча масофа қолдириб бир қаторга сафланиб юрадилар. Ўқитувчи уларга ўйин бошланишидан олдин қандай сигналлар берилишини ва бу сигналлар берилгандан кейин қандай ҳаракатлар қилиш кераклигини тушунтириб беради. Масалан, бир марта қарсак чалинганда ҳаракатни давом эттириш, икки марта қарсак чалинганда секин югурға бошлаш керак ва ҳоказо.

Ўйиннинг тавсифи. Ўқувчилар ўқитувчининг турли тартибда берадиган шартли сигналларига мувофиқ ҳаракат қиласидилар. Ҳаракатни бажармаган ёки нотўғри бажарган ўйновчиларга жарима балл берилади. Камроқ хато қилганлар ютган ҳисобланади.

Ўйиннинг қоидаси. Юриш ва югуришда ўйновчилар белгиланган масофани ва саф текислигини бузмасликлари лозим.

Методик кўрсатмалар. Ўйновчилар бир қаторли сафдаги-на эмас, айлана бўйлаб ҳам ҳаракат қилишлари мумкин. Қаторда юришда баъзида йўналишни ўзгартириб туриш керак. Ўйинда товушли (қарсак уриш, чилдирма чалиш ва ҳоказо) билан бир қаторда, кўзга кўринадиган сигналлардан (байроқчани турли томонга силкитиш, секин ёки тезроқ силкитиш, юқорига кўтариш, пастга тушириш) ҳам фойдаланиш лозим. Байроқчани юқорига кўтарганда ўқувчилар тўхташлари, пастга тушурганда ўтиришлари керак бўлади.

Хуносалар

Умуман олганда ҳаракатли ўйинларни нафақат жисмоний тарбия машғулотларида, балки, барча синф дарсларида қўллаш мумкин. Бундай ўйинлар болаларнинг 45 минутлик статик ҳолатларини динамик ғҳолат билан алмаштиришга, қон айланишни яхшилаш орқали асаб тизимини гуморал бошқарилишини яхшилайди. Кўл ва оёқларининг характеристикини фаоллаштиради, нафас ҳарактларини яхшилайди, ўқувчиларда дарс жараёнида зерикиб қолмаслик ҳолатларини ривожлантиради, диққатини оширади.

Физиологик нуқтаи назардан олсак болаларда ривожланишга, диққатини жамлашга, берилаётган топшириқлар, сигналларга нисбатан эътиборлироқ бўлишга, гурухда ишлашга, ориетир олишга ёрдам беради ва юқорида санаб ўтилган сифатларни ривожлантиради.

REFERENCES

1. Abidov Sh.U. Yosh futbolchilarning o'quv-mashg'ulot jarayonini tashkil qilish va rejalaştirish. O'quv qo'llanma. T.: O'zDJTI, 2011 y. 37 b.

2. Sergeev G.M., Nurimov R.I., Sarkisyan R.S. Futbol bo'yicha bolalar va o'smirlar sport maktabi, olimpiya o'rinosarlari, bolalar va o'smirlar maxsus maktablari, olimpiya o'rinosarlari bilim yurti o'quv mashq qilish uchun dastur. T., 1997.
3. Nurimov R.I. Yosh futbolchilarni texnik va taktik tayyorlash. O'quv qo'llanma. T.: O'zDJTI, 2005 y. 104 b.
4. Акрамов Р.А. Игровые и тренировочные нагрузки в футболе. Учебное пособие. Т., 2002.
5. Акрамов Р.А. Особенности управления тренировочным процессом футболистов в условиях жаркого климата. «Футбол», Ежегодник, М., 1983.
6. Курбанов З.А. Организация учебно-тренировочного процесса футболистов в условиях Узбекистана. Учебное пособие. Т., 2000.
7. Нуриев Р.И. Ловкость футболистов и ее совершенствование. Совершенствование тренировочного процесса и его научное обоснование (сборник научных трудов). Т., -1983.
8. Нуриев Р.И. Педагогический контроль в процессе соревновательной деятельности футболистов. Совершенствование учебно-тренировочного процесса футболистов (сборник научных статей). Т., -2001.
9. Нуриев Р.И. Психофизиологические особенности деятельности футболиста. Журнал «Педагогик таълим», 2003 г., № 5.
10. Спортивные игры: техника, тактика, методика обучения. Учебное пособие для профессиональных колледжей. Под общей редакцией Л.Р Айрапетяна.-Т.: «ILM ZIYO», 2012. 296 с.